

## А Ж Р И М

### **Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида**

2022 йил декабрь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси К.Шахобутдинов, судья ёрдамчиси Х.Дадақўзиёвни котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Т.Тоштемиров, айбланувчи Ф.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси Р.Нигматшаев, жабрланувчини вакили Д.касимовни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланувчи Мамасодиқов Сардорбек Эрукинбек ўғлига нисбатан 1-1701-2202/1071 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

**Абдуллаев Фахрутдин**  
**Қўшақбой ўғли (Abdullayev**  
**Faxrutdin Qo'shaqboy o'g'li),**  
26.04.1995 йил куни Избоскан туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, оилали 1 нафар фарзанди бор, Избоскан тумани, Қўшқўприк МФЙ, Олтидиёр кўчаси 79-уйда яшовчига нисбатан 2022 йил 26 ноябрь куни муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхаси 2022 йил 28 ноябрь куни олган.

Суд, айбланувчи, жабрланувчини вакилини аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни,-

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Дастлабки суриштирув ҳужжатларига кўра, Ф.Абдуллаев, 2022 йил 02 ноябрь куни соат 17:00 ларда «Нексия» русумли давлат рақам белгиси 60Z547UA бўлган автомашина Андижон шаҳар, Чўлпоншоҳ кўчаси худудидан ўтган Сой-Эски шаҳар транспорт қатнов йўлининг Сой



йўналишида бошқариб бораётиб, амалдаги йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг 11-банди «г» кичик бандида кўрсатилган «ҳаракатланиш жараёнида хайдовчи пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши лозим» деб кўрсатилган талабини, 73-бандида кўрсатилган “Хайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши керак” деб кўрсатилган талабини, 77-бандида кўрсатилган «Хайдовчи ҳаракатланиш жараёнида ҳаракатни серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишдаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликда ҳамда йўл ҳаракати қоидалари талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини берадиган тезликдан оширмасдан бошқариш, ҳаракатланишда аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо булса, у транспорт воситасини тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб кўрсатилган талабини ҳамда 111-бандида кўрсатилган «Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида хайдовчилар светофорнинг руҳсат берувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам пиёдаларга қатнов қисмини кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари керак» деб кўрсатилган талабларига амал қилмасдан ва қўпол равишда бузиб, автомобилани бепарволик билан бошқариб келгани ҳолда, “Пиёзпоя оқ масжиди” рўпарасида йўлнинг ўнг томонидан чап томонига пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракатланиб ўтаётган вояга етмаган Козимов Муродилбек Дилшодбек ўғлини уриб юбориб, уни ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 04.11.2022 йилдаги 1310-сонли хулосасига кўра оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлган йўл-транспорт ҳодисасини содир этганлиги аниқланган.

Дастлабки суриштирув органи томонидан мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, Ф.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси

ЖК

266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари



давомида, айбланувчи Ф.Абдуллаевга нисбатан муносиб ҳуқуқ-  
 атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган.

Айбланувчи Ф.Абдуллаев судга ариза тақдим қилиб,  
 айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини,  
 ҳозирда жабрланувчини вакили Д.Касимов билан ихтиёрий  
 равишда ярашиб олганини, жабрланувчига етказилган  
 зарарларни тўлиқ қоплаганини, ярашув оқибатлари унга  
 тушунтирилганини кўрсатиб, унга нисбатан юритилган  
 жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Жабрланувчини вакили Д.Касимов судга ариза тақдим  
 қилиб, ҳозирда Ф.Абдуллаев билан ихтиёрий равишда ярашиб  
 олганини, ўзига етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини,  
 Ф.Абдуллаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга  
 нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашувлари  
 ихтиёрий бўлганини, ярашув оқибатлари унга  
 тушунтирилганини кўрсатиб, жиноят ишини ярашувга асосан  
 тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчи вакили Д.Касимов ва айбланувчи  
 Ф.Абдуллаевлар томонидан тақдим қилинган аризаларни  
 жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг  
 ярашувлари ихтиёрий эканини, айбланувчи ўз айбига тўла  
 иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон эканини, содир этган  
 қилмишини оқибатларини англаганини, зарарлар тўла  
 қопланганини, уларга ярашув даврида ҳеч қандай тазйиқ  
 ўтказилмаганини, Д.Касимов ва Ф.Абдуллаевлар ярашувга  
 рози эканликларини, прокурорнинг катта ёрдамчиси  
 Т.Тоштемиров ва ҳимоячи Р.Нигматшаевнинг жиноят ишини  
 ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб,  
 мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик  
 қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, Ўзбекистон  
 Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил  
 25 октябрдаги 27-сонли «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича  
 суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси  
 ЖКнинг

66<sup>1</sup>-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84-моддасига асосланган ҳолда,  
 Ф.Абдуллаевни жиний жавобгарликдан озод қилиб, жиноят  
 ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб  
 тугатишни лозим топади.

Суд юқорида баён этилганларга асосланиб, Ўзбекистон  
 Республикаси ЖПКнинг 84, 582, 585-586-моддаларини  
 қўллаб,

### **А Ж Р И М      Қ И Л Д И:**

**Абдуллаев Фахрутдин Қўшақбой ўғли (Abdullayev  
 Faxrutdin Qo'shaqboy o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖК**



266-моддасининг

1-қисми билан ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг

84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, айбланувчи ва жабрланувчини вакили эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кунлик муддат ичида шу суд орқали Андижон вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят келтириш ёки хусусий протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**  
**К.Шахобутдинов**

**(имзо)**

*Ажрим нусхаси аслига тўғри,*

**Жиноят ишлари бўйича**  
**Андижон шаҳар судининг**  
**судьяси**

**К.Шахобутдинов**

**Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович**

